КПСС XXV съездини муносиб кутиб олайлик

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 200 (2792)
ПАЙШАНБА
28 АВГУСТ 1975 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА РАПОРТ БЕРИШ ҲУҚУҚИ УЧУН

КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа бошлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарори Тошкентдаги корхоналарда ва қурилишларда меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Тобора кўпроқ янги-янги меҳнат коллективлари съездолди зарбдор вахтасида турмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг қарорини муҳокама қилишга бағишланган митинг лар ва йиғилишларда ишчилар билан хизматчилар съездга берилади ган меҳнат рапортига шахсан имзо чекиш ҳуқуқи учун мусобақада иштирок этишга аҳд қилганликлари тўғрисида гапирмоқдалар.

Бадний буюмлар фабрикасининг кенг цехини миннга яқин киши тўлдирди. Тўққизлар ташаббусига қўшилган, бичиш цехининг ходими, иккита беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариб қўйган Т. С. Каблукова сўзга чиқди.

— Мен КПСС XXV съезди очиладиган кунга қадар 1981 йил топшириғини бажариш мажбуриятини оламан,— деди у митингда. — Мен бугун иш кунининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, мусобақада дугоналаримнинг тажрибаларидан фойдаланиш туфайли эришаман. Маҳсулот тайёрловчи Ҳафиз Раҳимов, тикувчи Нина Фролова Каблуковадан ибрат олиб, ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққач, съездга ана шундай меҳнат совғаси тайёрлашга аҳд қилдилар.

Партия съезди шарафига коммунистлар—тикувчи Мавлуда Пўлатова, Салима Гафурова, Мавлуда Маликова ва бошқа коммунистик меҳнат зарбдорлари юксак мажбуриятлар олишди. Улар кунига бир яримтадан норма бажариб, съезд очиладиган кунгача қолган вақт ичида йиллик топшириқни бажаришга сўз бердилар. Ишчи хотин-қизлар чиқариладиган маҳсулот сифатини янада яхшилашга эришамиз, деб ваъда бердилар.

Коллектив йиллик планга қўшимча равишда 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш тўғрисидаги бундан илгари олган мажбуриятини муддатидан аввал бажариб, қолган вақт мобайнида планга қўшимча равишда тағин 150 минг сўмлик турли буюмлар ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг юзлаб ишчилари ҳам КПСС XXV съезди шарафига ўзларининг шахсий социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Цехларда ишчилар-нинг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда тўқимачилар партия съездига эришилган меҳнат муваффақиятлари тўғрисида шахсан рапорт бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун мусобақага чақирган «тўртлар ташаббуси»ни қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этмоқдалар.

Биринчи йигирув фабрикасидан А. Курбацкий бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси съезд очиладиган кунгача 1976 йилнинг биринчи квартали планини бажаришга қарор қилди. Тажрибали йигирувчи, ана шу участкадан бўлган Р. Ольховская бундан бир йил муқаддам тиниз зонадаги дастгоҳларга хизмат кўрсатишга ўтиб, ўзининг шахсий беш йиллик топшириғини бажарган эди. Ҳозир унинг участкасида 1600 та урчуқ бор—бу нормадагидан 440 та ортиқдир. Урчукларнинг кўплиги смена топшириқларини ҳар куни ортиги билан бажариш имконини беради. Пешқадам ишчи тўққизинчи беш йиллик планига қўшимча қилиб, йил охиригача яна 23 тонна калава етказиб бериш мажбуриятини олди.

Биринчи тўқувчилик фабрикасидан Дилбар Қулматованинг кўпгина издошлари топилди. Дилбар хизмат кўрсатиш зонасини кўпайтириб, 19 сентябргача йиллик планни бажариш, съезд очиладиган кунга қадар планга қўшимча равишда ўн минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТНИНГ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ПАРТИЯМИЗНИНГ БЎЛАЖАК XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШ УЧУН ЎЗ ЗИММАЛАРИГА ЯНГИ ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДАЛАР.

«Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасининг кўпгина зарбдор ишчилари вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти. Улардан бири сиз суратда кўрин турган моҳир ўровчи «Ҳурмат белгиси» ва «Октябрь революцияси» орденларининг нарелери Людмила Серёженкодир. Людмила шу кунларда 11-беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ ЗАРБДОРЛАРЧА ТУГАЛЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорини «Тошкентнабель» заводи прокат цехи коллективи қизғин маъқуллаб кутиб олди. Ишчилар ўз зиммаларига оширилган мажбурият лар қабул қилмоқдалар. Цехдаги ишчиларнинг эса майтириш ҳисобига эса 64 килограмм алюминий тежаш ниятидадир. Корхонанинг энг яхши ишчиларидан У. Габдракипов шахсий беш йиллик планини тўрт йилда бажариб қўйган.

Илғор ишчи шу вақт ичида топшириқдан ташқари 32 тонна алюминий сим ишлаб чиқариш, чиқитларни камайтириш ҳисобига эса 64 килограмм алюминий тежаш ниятидадир. Корхонанинг энг яхши ишчиларидан У. Габдракипов шахсий беш йиллик планини тўрт йилда бажариб қўйган.

Прокат цехининг коллективи КПСС XXV съездига йўлланадиган рапортни имзолаш ҳуқуқи учун мусобақага қўшилиб, зиммасига оширилган мажбуриятлар олди: беш йиллик топшириқ 1975 йилнинг 1 ноябригача бажарилди, беш йиллик топшириқдан ташқари 8,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 200 тонна мис сим тайёрланади, шу жумладан рангли металлар-ни тежаш ҳисобига 40 тонна сим тайёрланади, юқори сифат мактабларида 30 ишчи илғор ишметодларига ўргатилади, ишлаб чиқаришни рационализация қилиш ҳисобига 110 минг сўм маблағ тежалади.

(ЎзТАГ).

Эсдалик учун Москва сувенири

...Фабрикамиз чеварлари ясаган бу қўғирчоқни сизларга тақдим этаркамиз, биз ушбу совға учун шувчинизни сизларга эслатиб туради деб ишонамиз... Рус қўғирчоғи — Горький номли Тошкент академик драма театрига юборилган туҳфа қилган сувенирлардан биридир. Бу қўғирчоқни «Чайка» фабрикасининг коллективи тошкентликлар билан бўлган учрашувда совға қилди, фабриканинг тикилган буюмлари гоят серхаридордир. Корхонанинг қизил бурчагида, икки смена орасида бизнинг ҳамюртларимиз ўз гастроль спектакларидан парчалар — концерт беришди.

Корхонада чиқадиган кўп нусхали газета тошкентлик артистлар билан москвалик тикувчиларнинг учрашуви ҳақида ўз саҳифасида ҳикоя қилди. «Вечерняя Москва» газетаси ҳам ана шу учрашув тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Газета Ўзбекистон пойтахтидан келган меҳмонлар Москва саҳнасида ўз маҳоратларини муваффақият билан намойиш этганликларини таъкидлаб ўтди. «Театрнинг муваффақияти шундаки, — деб ёзди газета, — сатира театри биноси ёнида: «ортиқча билетингиз йўқми?» деган анъанавий саволни ҳар куни кечкурун эшитиш мумкин. Лекин бу савол эндиликда Тошкентдан келган академик драма театрига — меҳмонларимизга берилмоқда».

«Академик театр номига сазовор бўлган театрга алоҳида талаб қўйилади,—деб ёзди бошқа бир газета — «Московская правда»,— шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, Тошкент коллективи Москва саҳнасида кўрсатган спектакллар шу унвонга муносибдир».

Мамлакатдаги 650 та драма театрларидан 37 тасигина академик театр деган номга эга эканлигини СССР Маданият министрлиги Театрлар бошқармасининг бошлиги Г. А. Иванов театрнинг гастроль фаолияти муҳокама қилинаётган вақтда эслатиб ўтди. Муҳокамага таклиф этилган таниқдчилар, саҳна усталари, санъат арбоблари Тошкент санъаткорлар коллективининг ишидаги ижобий томонлар тўғрисида гапирдилар. Жумладан, репертуардаги асарларнинг қизиқлиги ва дадил қўйилганлиги, шунингдек ижрочилик маҳорати таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга муҳокама чогида ишдаги айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Замонавий мавзуга кўпроқ эътибор берилса бўларди, деган истак изҳор этилди.

Гастроллар тугай деб қолди. Режиссёрлар, артистлар, саҳнани ёритувчилар, рассомлар, гримчилар—театрни яратадиган кишиларнинг ҳаммаси Тошкентга жўнаш тараддудини кўрмоқда. Москвадаги бўлган улкан учрашув тўғрисидаги эсдалик — зебо рус қўғирчоғи ҳам Тошкентга жўнаш тараддудида. (ЎзТАГ).

«Подъёмник» заводи кўтарма кранлар йиғув цехининг электр пайвандчиси Константин Вон 12 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилади. Еш ишчиларнинг меҳрибон устози 1977 йил топшириқларини уддаламоқда.

СУРАТДА: К. Вон.

М. Нуриддинов фотолари.

ШАҲАР-ҚИШЛОҚҚА СТУДЕНТЛАР ЁРДАМИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтидан 130 нафар студент Чиноз районининг Янгиобод совхозига ёрдамга жўнаб кетди. Студентлар бир неча кун давомида ана шу оталиқдаги совхоз деҳқонларига сабзавот ва мева теримида кўмаклашадилар. Институт коллективи бир неча йилдан буён Чиноз районига оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. 60 дан ортиқ студент эса институт учун янги корпуслар қурилишида меҳнат қилмоқда.

Р. ҚОСИМХУЖАЕВА.

ЎҚУВЧИЛАР КЎМАГИ

Чиноз район меҳнаткашлари етиштирган ширин-шакар мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиб-териб давлатга топширишда пойтахтнинг Фрунзе райони мактаб ўқувчилари ҳам фаол қатнашдилар.

Бугун

«Олмазор» богдорчилик-виночилик совхозига ёрдамга борган 144, 118, 127, 73, 26-ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари шаҳарга қайтиб келишди. Улар бир неча кун давомида 300 тоннадан ортиқ олма, узум терди-лар. Еш кўмакчиларнинг ишидан совхознинг 1, 2-бўлими маъмурияти беҳад миннатдор бўлди.

К. МАЛИКОВ.

ТЕХНИКА ШАРОФАТИ

Бадний буюмлар фабрикаси ишчилари меҳнатнинг илғор усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, меҳнатда катта муваффақиятларни қўлга киритишяпти. Бунда янги техника қўл келяпти.

Куни неча фабрикада дўппилар учун коробка тикиш машинаси ўрнатилди. Ишчи бир сменада ана шу машинада 900 дона коробка тикади.

Коллективнинг илғор рационализатори Л. Арипдан З. Сулаймонов ва О. Кичлов материалларни ўлчаб, сифатини текширадиган машина яратдилар. Бу янги техника корхонага бир неча минг сўмлик фойда келтирапти.

Н. ШОИНҒОМОВ.

• Шаҳар қишга тайёрланмоқда

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ РЕМОНТ ҚИЛИНМОҚДА

ДАВЛАТ ВА КООПЕРАТИВ ТУРАР ЖОЙ ФОНДИ ТЕХНИКАВИЙ ҲОЛАТИ ЖАМОАТ КУРИГИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ШАҲАР КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДАН

Собир Раҳимов район ижроия комитетининг раиси Ғ. Рафиқов шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлисида районда турар жойлар жамоат кўригини қандай бораётганлиги ҳақида ҳисобот берди. Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг жамоат кўригини ўтказиш ҳақидаги қарори чиққандан сўнг район кўрик комиссияси, шунингдек, район турар жой бошқармалари, ЖЭКлар, турар жой фондига эга бўлган корхоналарда, барча ирин турар жой биноларида кўрик комиссиялари ташкил этилди, деди у. Ана шу комиссияларнинг мажлисида жамоат кўриги ҳақидаги низом ишлаб чиқилди, турар жойларни қишга тайёрлаш бўйича тадбирлар белгиланди.

Район маҳаллий Советлари қарамоғида 510 уй бор. Уларда 43 минг киши истиқомат қилмоқда. Район турар жой бошқармасига фақат капитал ремонти учун бу йил 900 минг сўм ажратилган эди. Ана шу маблағ ҳисобига 33 турар жой бинокасига 33 турар жой бинокасига капитал ремонтдан чиқарилиши, 12 уйнинг мум қопланган томлари тартибга келтирилиши; 9 турар жой корпусини шаҳар канализациясига улаш, 11 минг сўмлик асфальт ишларини бажариш лозим эди.

Белгиланган тадбирларнинг аксарияти бажарилди. Жумладан, 15 та уй комплекс ремонтдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди, мум томларни ремонт қилиш деярли тугалланди. 515 чекка квартираларда қўшимча иситиш приборлари ўрнатилди.

Бу йил районда турар жойларни жорий ремонтдан чиқариш учун 460 минг сўм ажратилган эди. Бугунги кунгача ана шу маблағдан 300 минг сўмга яқини ўзлаштирилди. Бу 64 бинодаги зиналарни ремонтдан чиқариш, кўмир ёқиладиган 500-дан зиёд печни кўрин-дан ўтказиш, минг метрга яқин сув оқадиган трубаларни қайта тиклаш ва бошқа ишларни бажариш имконини берди.

Район мактаблари ҳам қишга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Мактабларни капитал ремонтдан чиқариш учун ажратилган 260 минг сўмдан 205 минг сўми ўзлаштирилди. 24 мактаб тўла капитал ремонтдан чиқарилди. Барча мактаб қозонхоналари қиш мавсумига тайёр.

Хусусий уйлар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ана шундай уйлардан 600 тасининг ташқи қиёфаси тартибга келтирилди. Район кўчаларига ўзбошимчалик билан ўрнатилган 200 ёғоч панжара олиб ташланди, бошқа ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Шаҳар комиссияси-нинг мажлисида район-да қишга тайёргарлик юзасидан йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Қурилиш ишларини олиб бораётган ташкилотлар районнинг озодалиги тўғрисида қайғуришмаяпти. Қурилиш чиқиндилари уйларга киравериш-да, янги қурилишлар территориясида бир неча ойлаб уюлиб ётади.

10-шаҳар касалхонаси қишга тайёр эмас. Бу ерда иссиқлик трассаси ремонти ҳали тугалланмаган, иситиш системаларини қайта тиклаш суст олиб борилмоқда. Комиссия аъзолари кўрик тадбирларида район жамоатчилигининг фаол иштирок этмаётганлигини ҳам қайд этди. Район комиссиясига жамоат кўрингача аҳолини кенгроқ жалб этиш юзасидан ташкилий ишларни кучайтириш тавсия этилди.

Тонгги газеталарда

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин орденли Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли Братск ГЭСи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини янги меҳнат ғалабаси — электроэнергия ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тўққизинчи беш йиллик план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари билан қизғин табриклайди.

★ Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси ва ҳукуматининг таклифига биноан совет партия-ҳукумат делегацияси 27 августда Москвадан Ханойга жўнаб кетди. Делегацияга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцов бошчилик қилмоқда. Делегация ВДРнинг 30 йиллик байрамида ҳамда Хо Ши Мин мавзолейнинг очилиш маросимида қатнашади.

★ 1975 йил 27 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос.757» учирилди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ БЎЙИЧА ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ШАҲАР ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛАДИ:

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириғини 1975 йил 30 майда бажарган, ишлаб чиқариш ҳажмининг 125 процент юксалишини, меҳнат унумдорлигининг 1,38 баравар ўсишини таъминлаган **Кабель илмий-тадқиқот институтининг Тошкент тажриба заводи коллективи** (директори — **Н. Волков**, бош инженери — **В. Яринцев**, партбюро секретари — **Р. Рожкова**, завком раиси — **В. Кузьминов**, комсомол комитети секретари — **Р. Яхшигулов**).

Корхона коллективи йил охиригача беш йиллик топшириққа қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилади, натижада ишлаб чиқариш ҳажми тўққизинчи беш йиллик охирига келиб, 1970 йил билан солиштирганда 1,3 баравар ортади, меҳнат унумдорлиги эса 1,4 баравар ўсади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича тўққизинчи беш йиллик топшириғини 1975 йил 3 июлда бажарган, ишлаб чиқариш ҳажмининг 165 процент, меҳнат унумдорлигининг 127 процент ўсишини таъминлаган **Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Сергелидаги 1-тикув фабрикаси коллективи** (директори —**Н. Помина**, бош инженери — **Т. Сяпукова**, партком секретари — **М. Еськова**, касаба союз комитети раиси — **Т. Звонова**, комсомол комитети секретари — **Ф. Галиулина**).

Коллектив йил охиригача планга қўшимча 2.500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади. Натижада беш йиллик охирига бориб, ишлаб чиқариш ҳажмининг 185 процент, меҳнат унумдорлигининг 155 процент ўсиши таъминланади.

• Икки ойлик давом этмоқда

Чиройига чирой қўшиб

Икки ойликни муваффақиятли ўтказиш учун Чилонзор район ижроия комитети раиси С. Г. Любишин бошчилигида ўн кишидан иборат штаб тузилди. Штаб аъзолари район территориясини айланиб чиқишиб, қаерда нима ишлар қилиниши кераклигини навбатдаги йиғилишда муҳокама қилишди. Ўтган шанбаликда ўн минг киши иштирок этиб, Чилонзор, Фарҳод кўчаларидаги майда ирригация шохобчаларини тозалашди. 842-қурилиш бошқармаси ишчилари бу шанбаликда бошқаларга намуна бўлишди. Ҳар душанба куни районда штаб йиғилиши ўтказилиб, озодалик ва санитария ҳолатини яхшилаш икки ойлиги қандай олиб борилаётганлиги ҳақида корхона, ташкилот ва маҳалла комитетлари раисларининг ҳисоботи тингланмоқда.

Равон кўчалар

Бу ойликда Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари асосан кўчаларини янада равон ва кўркам бўлиши учун катта ҳисса қўшишмоқда. Усмон Юсупов, Собир Раҳимов, Саркисов ва Қорасарой кўчаларига асфальт ётқизилмоқда. Ўрозбоев, Сағбон кўчаларидаги майда ирригация шохобчаларини тозалашиб, 300 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишади. Корхона территориясида ва Уста Ширин кўчасидаги чиқиндилардан 50 тоннаси шаҳар чеккасига чиқариб ташланади. Ишчилар кечаги шанбаликда асосан Уста Ширин кўчасидаги йўлкаларни тозалашди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

★ РИМ. Италияда шу йил июль ойининг бошида улгуржи нархлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 процент ўсди, деб хабар қилди марказий статистика институти.

★ **НЬЮ-ЙОРК.** Ғарбий Виржиния штатининг Чарлстондаги иш ташлаган кончиларининг намоиншида иштирок этган кишилар полиция чиларининг даррасига дучор бўлди. Виржиния, Ғарбий Виржиния, Кентукки ва Огайо штатларини ўз ичига олган Ақшнинг бутун кўмир қазиб чиқариладиган районларида аслида завбастовка ҳаракати аам олиб кетди. Бу ҳаракатда 40.000 дан зиёдроқ киши қатнашиб, шахтёрларнинг забас. товка қилиш, пенсия ва социал нафақаларини ошириш ҳуқуқи тўғрисидаги шартлари тўғрисида меҳнат битими тузилишига эришмоқдалар.

★ КОТОНУ. Бу ерда касаба союз кадрларини ватанпарварлик ва голвий тарбияси масалаларига бағишланиб Дагомея меҳнаткашлари касаба союзлари миллий иттифоқининг семинари ўзи ишини бошлади. ВЦСПС делегацияси ҳам иштирок этаётган бу семинар қатнашчилари ўн беш кун мобайнида Дагомея касаба союзлари ҳаракатини ривожлантириш масалаларини ўрганадилар, совет касаба союзларининг иш тажрибалари билан танишадилар.

★ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистондаги йирик Уттар-Прадеш штатида ҳукумат иқтисодни программаси муҳим вазифалардан бири — ортиқча ерларни ҳишлой хўжалигининг ерсиз ишчилари ўртасида тақсимлаш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Яқин вақт ичида ҳукумат қишлоқдаги камбағал лар орасида ортиқча ўн саккиз минг гектардан зиёдроқ ерни тақсимлашга киришади. Бу ерлар йирик замин. дорлардан ер участкаларининг максимал миқдори тўғрисидаги қонунга биноан тортиб олинган.

★ БОНН. Германия Федератив Республикасида автомобилсозлик мамлакатдаги умумий иқтисодий тушкунлик оқибатида гоят оғир қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Ғарбий Германия саноатининг мана шу тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш ду йилининг дастлабки етти ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,3 процент камайди. Автомобиль саноати хўжайинлари бирлашмасининг докладида шу тўғрисида хабар қилинган.

★ ДАМАШҚ. Сурия деҳқонлари қишки мавсумда 2 миллион 600 минг тонна пахта ҳосили етиштирдилар. Ҳосил мамлакатнинг ғалла маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини қондиришдан ташқари, бир қисмини чет элларга сотишга ҳам имкон беради.

САР марказий статистика бюросининг директори А. Ражаининг айтишича, бу йил Сурияда 1.550.000 тонна бўғдой, 597.000 тонна арпа, 67.000 тонна ёсмиқ ҳосили олинди.

★ ХЕЛЬСИНКИ. Финляндиянинг Уси Каупунки шаҳридаги кема. созлик корхонасида «Батальи дё Санта Клара» рефрижератор кемаси сувга туширилган. Кема Кубанинг Финляндияга буюртма берган иккн кемасидан биридир. Бу кема балиқ, гўшт, ҳўл мева каби тез бузиладиган маҳсулотларни ташишга мўлжалланган.

(ТАСС).

•ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

ЁРДАМ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Пахтакорлар учун масъулиятли дамлар бошланди. Ил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олишда корхонамизда тайёрланаётган пахта териш машиналарининг ёрдами катта эканлигини жуда яхши ҳис қиламиз. Шунинг учун ҳам дала механизаторларининг техника воситаларига бўлган талабини ҳисобга олиб, иш суръатини тобора жадаллаштиряпмиз.

Якунловчи йилнинг ўтган даври мобайнида корхонамиз конвейеридан туширилган 5 мингдан зиёд «Зангори кема» республикасининг турли областларига жўнатилди. Тўрт қаторлаб пахта терадиган «Ўзбекистон» маркали «ХН—3.6» машиналари маҳсулотнинг кўп қисмини ташкил этади. Шунингдек, йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар планга қўшимча ўнлаб минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Андижон, Жиззах, Самарқанд области заршуносларининг буюртмалари муддатидан анча барвақт адо этилди. Ўтган давр мобайнида коллективимизга ёрдам сўраб мурожаат қилган барча пахтакор хўжаликларнинг илтимоси қондирилди. Корхонамиз ўз отлиғига олган колхоз ва совхозларнинг деҳқонларига планга қўшимча тўрт минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар жўнатди.

Якунловчи йилда дала механизаторларининг буюртмаларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақада корхонамиз 10, 15 ва 22-цехларининг коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар. 10-механика цехининг коллективи машина деталларини тайёрлашда такомиллашган усулни жорий этиб, маҳсулот сифатини бирмунча яхшилашга муяссар бўлди. Цехда биринчи бўлиб беш йиллик шахсий топшириқларини бажарган В. Идрисхўжаев, А. Ким, Т. Воҳидов каби меҳнат пешқадамлари беш кунлик топшириқни тўрт кунда адо этиш билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Корхонамизнинг юраги ҳисобланган бош конвейер цехида «Зангори кема»ларни йиғиш ишлари икки сменада олиб борилмоқда. Бу йил конвейерда ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрда ташкил қилиш ҳисобига битта машинани йиғиш муддати уч минутга тезлаштирилди. Смена давомида нормада белгиланган 20 ўрнига ўттиз агрегатни қўлдан чиқараётган В. Сифонов бошлиқ йиғувчи-слесарлар бригадасининг иш тажрибаси кенг оммалаштирилди.

Бош конвейер цехида КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг прокат цехи коллективида муҳокама қилинди. Вальцовщик Ю. Агафонов бундай деди:

— Мастер Шамси Нуриддинов бошчилигидаги комсомол — ёшлар бригадамиз пландан ташқари прокат ишлаб чиқариш юзасидан йиллик мажбуриятини бажарди. Энди партиянинг XXV съезди очиладиган кунгача пландан ташқари прокат олишни мўлжаллаб турибдилар. Оширилган тезликда ишловчи станга хизмат кўрсатишни ҳамма бригадалар ўзлаштириб олиши яна бир резерв бўлади.

(ЎзТАГ).

•Илм масканларида

ЁШ МУТАҲАССИСЛАР

Шаҳримизда янги ташкил этилган бешта ҳунар-техника билим юртида слесарлар, пойафзалчилар, ҳарф терувчилар билим олишди. Яқинда бу билим юртларини тўққиз мингдан зиёд йигит ва қиз тамомлаб қурилишларга, заводфабрикаларга, машиналар ва бошқа корхоналарга ишга жўнаб кетишди. Тўрт мингдан ортиқ йигит-қиз ҳунар эгаллаш билан бирга, стуклик аттестати ҳам олишди.

ҲАММАСИ ТАЙЁР

Собир Раҳимов районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Лабораториялар ва фан кабинетлари қайта жиҳозланди. Шундай қилиб, мактабда ўқув-ўқитув ишлари тўла кабинет системасига ўтказилди. Бу ерда фанлар бўйича 35 та кабинет ташкил этилди. Ҳинд тили машғулотларини ўтказиш учун 6 та фан кабинети бор.

ЯНГИ БИНО

Шаҳримизнинг Энгельс кўчасида Бутуниттифоқ ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малака ошириш институти учун янги беш қаватли бино қурилмоқда. Бу ерда биноқор-қурувчилар Тошкент Давлат университети юридик факультетининг студентларидан ташкил топган «Лочин» қурилиш отряди аъзолари кўмаклашмоқдалар. Отрядда 55 комсомол ёш ишламоқда.

МАКТАБЛАРГА ЖИҲОЗЛАР

Партия ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлиги туфайли республика халқ маорифи муассасалари мактаб мебелига ажратаётган маблағ йил сайин ошиб бормоқда. 1973 йилда мактаб ва лабораторияларга мебелларга 3795,5 минг сўм сарфланган эди. Янги ўқув йилида бу маблағ яна 6915 минг сўмга кўпайди ва уларнинг ассортименти яхшиланди.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати бошқармаси корхоналари ўтган йили жами 5130 минг сўмлик мебель етказиб берган эди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса маориф муассасалари томонидан 2508 минг сўмлик мебель олинди.

Т. РАВШАНОВ.

СИБИРНИНГ ПУЛАТ БЕЛБОҒИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХБИРИ БАМ ҚУРИЛИШИДА

Тайгада Ленин

Биз участка механиги Владимир Куртаев ва бир неча ишчилар билан Ўзбекистонликлар меҳнат қилаётган 25-километрга бориш учун колоннанинг автобусига тушдик. Вақтинчалик автомобиль йўли Лена дарёсининг шундоқ соҳилида юксакликка қараб ўрмалаган қуюқ ўрмонининг қуйи қисмидан ўтган. Йўл ҳали асфальтланмаган. Йўдим-чуқур, лой чанг. Машина силкиб-силкиб ташлайди. Бу ердан ўрмон манзараларини, Лева дарёсини бемалол томоша қилиш мумкин. Йўлнинг торлигига қарамай, ҳаракат кўп. Машина йўдим-чуқурлардан ўтганда кўтариб уради. Ҳамма тутқичларни маҳкам ушлаб олган. Мен уларнинг қўлларига қарадим. Тилим-тилим, қадоқли, сертомир бақувват қўллар. Улар муштумида тутқичларни маҳкам ушлашган. Қўллар мушт бўлган. Шунинг учун кишилар ҳар қандай силжишларга бепарво. Мўъжизалар, ажойиботлар кашф этаётган, нопок кўнгилларни йиғлатаётган, яхшиларни ардоқлаётган мана шу бармоқлар. Улар мушт бўлгандагина қудратли. Мамлакатимиздаги турли миллатларни ҳам бармоқларга ўхшатиш мумкин. Улар мушт бўлган. Шунинг учун мамлакатимиз қудратли, шу сабабли жасорат йўлини — асримиз қурилиши БАМни қураяпмиз.

Олдимдаги қадоқ қўллар машина рулини бураш, экскаваторларнинг сандиқдай-сандиқдай тўмчиларини ҳаракатга келтиришигина эмас, севиклиларига гул тақдим этишни ҳам билар экан. Ишчилар табиат гўзалликларига синчиклаб тикилишар, қалблари қувончга тўлиб боришарди. Бир пайт улар йўлдан 10 метрча баландликда оқ-пушти тайга гулларини кўриб қолишди.

— Коля, Кол, тўхтат машинангни, — дейишди улар бараварига ҳаяжонланиб.

Автобус тўхтаб улгурмасдан улар ерга тушиб, тепаликдаги гул сари чопишди. Улар худди ёш йигитчалардек қийқириб гул теришарди. Қоп-қора, ёғ босган коржомали, қўпол ботинка кийган бу ишчилар автобусга ўтиришгач, бир-бирларига гал бермай чуғурлашарди:

— Хотиним жуда ҳурсанд бўлади-да. — деди биттаси қўлидаги гулни ҳидлаб.

— Галя кечадан бери Аянинг эри ўрмондан гул келтирибди. Сен қачон олиб келасан, деган эди,— деди ўрта ёшлардаги киши илжайиб.

— Мен бу гулни секин диспетчер қизнинг деразасига қўйиб қўяман, — деди ёш йигит, юзлари ял-ял ёнди. — Кейин у жуда ҳайрон бўлади бу чиройли гулни кўриб.

17-километрга яқинлашганимизда Лена дарёсининг ўнг соҳилидаги тепаликда доҳиймиз Ленининг улкан барельефини кўрдик. Буни оддий экскаваторчи ясабди. 5-кўприк қуриш отрядининг А. Шестак бошлиқ кўприк қурувчилар бригадасининг аъзоси Николай Иванович Логинов моҳир экскаваторчигина эмас, талантли ҳайкалтарош ҳам экан. У доҳийимизнинг нуроний сиймосини бетон ва арматурадан яратибди. Логинов буни ўз ташаббуси билан дам олиш кунлари ва ишдан ташқари вақтларда бажарибди.

Барельеф иккита бетон рельслар устига ўрнатилган. Рельслар Байкал—Амур магистралининг рамзидир. У трассанинг энг баланд жойига, 145-пикетга ўрнатилган.

Доҳий трассанинг ҳар томонидан яхши кўринади.

Кўприк қурилиши кетаётган жойда қурувчиларнинг вагончалари жойлашган. Турли рангга бўялган бу уйчалардан Лена дарёси ва нариги соҳилдаги В. И. Ленининг улуғвор сиймоси кафтдагидай яққол кўринади. У ғўё қурувчилар билан ҳол-аҳвол сўрашаётгандай, иш кунини қандай тугаллашгани ҳақида ҳисобот сўраётгандай, жилмайиб турибди. Бу участкада ишлаётган ҳар бир киши доҳий билан ҳаёлан учрашади. Яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади.

Коллектив катта масъулиятли вазифа — кўприк қурилишини муддатидан бир ой илгари тугаллаш мажбуриятини олган. Қурилиш ноябрь ойида битказилади. У БАМ ҳаётида катта роль ўйнайди. Кўприк битгач, магистралда иш ҳажми ва суръати бир мунча ошади.

— Бу ерда ўзбекистонлик келган Фатех Аҳмедаевов бошлиқ бригада ҳам ишлайди, — деди Владимир Куртаев. — Бригада аъзоларидан Геннадий Курешов, Валентин Кутумовларнинг обрўси прорабларникидан кам эмас. Яхши ишлашади.

Биз яна паст-баланд йўллардан кетаяпмиз. Автобус гоҳ пастга тушиб, гоҳ юқорига интиляпти. Лена дарёсига қуйиладиган мусаффо булоқлардан ўтганимиздан кейин юкларни нариги соҳилга олиб ўтадиган паромга етиб келганимизда, у тўлиб қолай деган экан. Ўн биринчи бўлиб автобус ҳам паромга чиқди. Паром бўғиқ овоз бергач, секин жойидан жилди.

Мана, дарёнинг қоқ ўртасига келдик. Заҳматкаш Лена. Юзида лойқа, мой сузиб юрибди. Атрофга аланглайман. Дарёнинг ҳар икки томонидан катта-катта юк кемалари, танкерлар нефть, тахта, темирбетон панеллар каби қурилиш материалларинигина эмас, ҳатто трактор, бульдозерларни ҳам олиб ўтмоқда.

Сибирнинг асосий транспортларидан бири ҳозирга сув ва ҳаво транспорти ҳисобланади. Дарёлар меҳнатини енгиллаштириш, Сибирда транспорт ҳаракатини яхшилаш учун ҳам темир йўллар қурилаяпти. Агар дарёда шунча кўп транспорт ҳаракат қилмаганида Лена лойқа ва мойли бўлмаган бўларди. Аммо ҳозирча хизматда. Ҳали яқин йиллар ичида у ўзининг зилол суви, хилма-хил балиқлари билан сиз билан бизнинг кўнгил очишимиз учунгина хизмат қилади.

Жуфт қанотлар

Осмонда ғуж-ғуж юлдузлар! Улар бирам ёрқинки, шундоқ қўл чўзиб ҳовучлаб-ҳовучлаб узгинг келади. Кекса эманларнинг пастида, ёш қарағайларнинг устида эринибгина ой сузади. Симёғочлардаги юксимон чироқлар сокин оқаётган Лена дарёси қиргоғидан ўтган тор йўлни ҳирагина ёритиб турибди. Йўл бўйида усти нарибери ёпилган бекатда бир йигит турибди.

У интизорлик билан тикилган томондан тун пардасини ёриб, машина кела бошлади. Автобус бекатдан ўн беш метрча нарида тўхтади. Унинг эшиги очилиши билан бир хушбичим қиз ерга сакради. Йигит у сари чопди.

— Тинчликми, нега бунча кечикдинг? — деди йигит қизга.

— Юсуф ака, бизнинг ишни биласиз-ку, — деди Раиса эрига. — Тоҳирнинг машинаси 27-километрда бузилиб қолибди. Роса қийналиб, кечикиб етиб келди. У олиб келган тупроқларни ҳам ҳисоблаб бўлгунимча иш тугаб, учинчи смена ҳам бошланиб қолди.

Улар чироқлари милтиллаб турган тепаликдаги уйлар томон кўтарилишди. Йўлда Юсуфжон одатдагидай бугунги ишлари ҳақида гапириб берди. Бугун у ишлаётган котловандаги экскаваторнинг клапани синиб, шоферлар икки соат вақт йўқотишди. Шу, уларнинг участкаларида эҳтиёт қисмларни камчиллиги ишнинг белига тепяпти-да. Юсуфжон эндиги бўладиган мажлисда албатта шу ҳақда гапираман, деб аҳд қилди. У бугун 15 машина тупроқ ташиди. Ишдан чиқиб, дарёда балиқ овлади. Бу— зап кўнгилли машғулотда. Юсуфжон учун. Бир пастда бешолтита балиқ тутиб тозалади. Хотини яхши кўрадиган балиқ шўрвани пиширибқўйди. Кутди, кутди. хотини келмади. Сўнг хавотирланиб, Раисани кутиш учун йўлга чиққан эди.

Вагончаларига яқинлашишганда, рўпарадаги хона эшиги олдида бир аёлнинг сояси кўринди. У бир зум коронғиликка тикилиб турдида, тўғридан кўрткасини елкасига ташлаб келаётган йигит томонга қараб қичқирди:

— Ва —аҳид, оббо, сени кутаверибман, шундай очиқиб кетдимки, сен бўлсанг имиллаб келяпсан.

— Э, сени қара-ю, Любичка, геройни шундай кутиб оласанми, а? — деди Воҳид хотинига ҳар сафаргидек ҳазиллашиб. — Ахир бугун нормани юз эллик қилиб келяпман-у.

— Ундай бўлса, албатта кечираман,— деди Люба қувонч билан.— Тезроқ ювиниб, киёвинб ол. Овқатланамиз...

Абдуқодир НИЁЗОВ.

СУРАТЛАРДА: Лена дарёси устидан қурилаётган кўприк қурилиши ва Бирюсинка посёлкасида ўзбекистонликлар яшаётган вагончаларни кўриб турибсиз.

Автор фотолари.

•ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

Дўстлик қонуни билан

Бу йил химия-фармацевтика заводининг коллективи дала меҳнаткашлари бюртмасини бажаришга анча барвақт киришди. Барча цехларда иш белгиланган график бўйича ташкил этилди. Цехларга ўрнатилган серунум техника воситалари қувватидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига дори-дармонларнинг тури кўпайтирилди ҳамда барча буюртмаларни ўз вақтида бажариш йўлга қўйилди.

Коллектив олдидаги биринчи галдаги вазифа дала шийпонлари учун комплект аптечкалар етказиб бериш эди. Кишига биринчи ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган бундай дори-дармонлар комплектидан ўтган етти ой мобайнида пландан ташқари 1000 дона тайёрлаб берилди. Шунингдек, ёш болали оналарга мўлжалланган дори-дармонлар аптечкасидан ҳам кўплаб тайёрланиб, республикамизнинг пахтакор хўжаликларига жўнатилди.

Пахтакорлар буюртмаларини муддатидан илгари бажарилишида таблетка ва ампула цехларининг коллективлари жонбозлик кўрсатдилар. Е. Лазовская, Г. Борисова каби меҳнат пешқадамлари дори-дармонларнинг ўз вақтида танёрланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Заводда ички имкониятлар ҳисоблаб чиқилиб, йиғим-терим мавсуми давомида яна 100 мингдан зиёд таблеткалар етказиб бериш мажбурияти олинди. Шу кунларда ёш болали оналарга мўлжалланган дори-дармоклар комплекси ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, механизаторлар учун махсус комплектлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу айниқса республикамизнинг чўл ва қўриқ ерларни механизаторларига қўл келади.

«Ўрок ва Болға» иттифоқига содиқ қолган фармацевтлар дори-дармонлардан ташқари қишлоқ чорвачилигига тўйимли озуқа ҳам жўнатмоқдалар. Пойтахт областининг чорвадорлари ўтган етти ой мобайнида 20 тоннадан зиёд озуқа қабул қилиб олдилар. Ўз навбатида дала меҳнаткашлари ҳам кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдириб, завод коллективини арзон нархдаги сабзавот ва мевалар билан таъминлаб туришибди.

Н. КОМИЛОВ.

СТУДЕНТЛАР САБЗАВОТ ТЕРИМИДА

СОВЕТ САВДО ТЕХНИКУМИГА БУ ЙИЛ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 100 СТУДЕНТ АВГУСТ ОЙИНИНГ ҚОЛГАН КУНЛАРИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ «БЎЗСУВ» СОВХОЗИ ДЕҲҚОНЛАРИГА ҚУМАК ЛАШИШ УЧУН У ЕРГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Техникум коллективи бир неча йилдан буён «Бўзсув» ва Халқобод сабзавотчилик совхозига яқиндан оталиқ ёрдамни кўрсатиб келяпти. Техникумнинг 200 студенти 45 кун давомида Халқобод совхози далаларида етиштирилган мева- ва сабзавотларни йиғишда деҳқонларга яқиндан ёрдам берди. Бундан оталиқдаги совхоз боғбонлари мамнун бўлишмоқда.

А.ЭРНАЗАРОВ.

•Деҳқон ташаккури

КАТТА РАҲМАТ!

Ер ҳайдашдан ва унга уруғ қадашдан бошлаб то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган даврда техника воситалари биз, дала механизаторларининг, оғирини енгил қилмоқда. Чиндан ҳам дала ишлари механизациялаштирилиб бораётган бир пайтда пахтачиликни техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам билса бўлади.

Хўжалигимизда пахта етиштирини, шунингдек, чорвачиликдаги ҳамма оғир ишлар тўла механизациялаштирилган. Йиғим-терим мавсумида эса «оқ олтин»нинг 80 процентга яқинини «Зангори кема»ларда териб олаяпмиз.

Бу йил сув таъминоти бўлганлигига қарамасдан пахтазорларда мўл ҳосилга яхши замин яратдик. Ғўзаларимизнинг аввки кўринишидаги. Ҳозиргинг ўзида ҳар тупда беш-олтитадан кўсак санаш мумкин. Ҳа демай ғўзаларни дефолиация қилишга ҳам киришамиз. Биз бу ишни бутунлай «ОВХ-14» чангламаган-пуркагич машинасида бажармоқчимиз. «Ташхимсельмаш» заводида тайёрланган бу агрегат ғўзалар баргини текис тўкиб, машина теримига ўзига хос қулайлик яратади. Бундан ташқари хўжалигимиз бўйича минг сўмдан зиёд маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Биз ажойиб машиналар яратиб огирмизни енгил қилаётган Тошкент машинасозларига чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

А. НАЖМИДДИНОВ,
Избоскан районидаги Тельман номли колхозининг бригада бошлиғи.

Меҳнат семестри самараси

Газлида компрессор станцияси қурилишида «Геолог» отрядининг 45 аъзоси 45 кун мобайнида оловкорлар уй-жойларини пардозлашда меҳнат қилдилар. Бухоро нон-геология техникумининг талабалари 85 минг сўмлик иш бажардилар. Бу меҳнат семестрининг бошида мўлжалланганидан 15 минг сўмлик ортиқ.

(ЎзТАГ).

Хонатласга— Сифат белгиси

Маргилон «Атлас» фирмасининг кўп рангда товланадиган хонатласига Сифат белгиси қўйиб чиқарилади. Йил охирига қадар харидорларга ана шу атласдан қарийб 200 минг метр етказиб берилади.

***

Меҳнат семестри самараси

Газлида компрессор станцияси қурилишида «Геолог» отрядининг 45 аъзоси 45 кун мобайнида оловкорлар уй-жойларини пардозлашда меҳнат қилдилар. Бухоро нон-геология техникумининг талабалари 85 минг сўмлик иш бажардилар. Бу меҳнат семестрининг бошида мўлжалланганидан 15 минг сўмлик ортиқ.

(ЎзТАГ).

•Сенга, XXV съезд!

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИГА

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг прокат цехи коллективида муҳокама қилинди. Вальцовщик Ю. Агафонов бундай деди:

— Мастер Шамси Нуриддинов бошчилигидаги комсомол — ёшлар бригадамиз пландан ташқари прокат ишлаб чиқариш юзасидан йиллик мажбуриятини бажарди. Энди партиянинг XXV съезди очиладиган кунгача пландан ташқари прокат олишни мўлжаллаб турибдилар. Оширилган тезликда ишловчи станга хизмат кўрсатишни ҳамма бригадалар ўзлаштириб олиши яна бир резерв бўлади.

(ЎзТАГ).

Тошкент оқшоми'да босилганидан кейин

«Дарахттешарлар»

Шу сарлавҳа остида газетанинг 29 июль сонида чиққан материалда айрим ташкилотлар ва шахслар шаҳар ҳуснига доғ туширибдарахтларга турли хил эълонларни ёпиштиришаётгани, бунинг устига район ободонлаштириш бошқармалари бу ишларга бефарқ қарашаётгани танқид қилинган эди.

Илгари айрим ташкилотларнинг бу мақолага берган жавоби эълон қилинган эди. Киров район ижроия комитетининг бу мақола юзасидан юборган жавобида бундай дейилади: газета танқиди дарҳақиқат тўғри. У район ободонлаштириш бошқармасининг коллективи ўртасида муҳокама этилди. Ўз вазифаларига совуққонлик билан қараган башқарма старший агрономи Ю. Толиков ва участка агрономи Азизовлар жазоландилар. Дарахтларга вақт-вақтида қараш ва уларга эълонлар ёпиштирмаслик юзасидан чора кўрилди.

(Давоми бор, боши газетанинг 177, 181, 187 ва 193-сонларида).



Ўртасига келдик. Заҳматкаш Лена. Юзида лойқа, мой сузиб юрибди. Атрофга аланглайман. Дарёнинг ҳар икки томонидан катта-катта юк кемалари, танкерлар нефть, тахта, темирбетон панеллар каби қурилиш материалларинигина эмас, ҳатто трактор, бульдозерларни ҳам олиб ўтмоқда.

Сибирнинг асосий транспортларидан бири ҳозирга сув ва ҳаво транспорти ҳисобланади. Дарёлар меҳнатини енгиллаштириш, Сибирда транспорт ҳаракатини яхшилаш учун ҳам темир йўллар қурилаяпти. Агар дарёда шунча кўп транспорт ҳаракат қилмаганида Лена лойқа ва мойли бўлмаган бўларди. Аммо ҳозирча хизматда. Ҳали яқин йиллар ичида у ўзининг зилол суви, хилма-хил балиқлари билан сиз билан бизнинг кўнгил очишимиз учунгина хизмат қилади.

Жуфт қанотлар

Осмонда ғуж-ғуж юлдузлар! Улар бирам ёрқинки, шундоқ қўл чўзиб ҳовучлаб-ҳовучлаб узгинг келади. Кекса эманларнинг пастида, ёш қарағайларнинг устида эринибгина ой сузади. Симёғочлардаги юксимон чироқлар сокин оқаётган Лена дарёси қиргоғидан ўтган тор йўлни ҳирагина ёритиб турибди. Йўл бўйида усти нарибери ёпилган бекатда бир йигит турибди.

У интизорлик билан тикилган томондан тун пардасини ёриб, машина кела бошлади. Автобус бекатдан ўн беш метрча нарида тўхтади. Унинг эшиги очилиши билан бир хушбичим қиз ерга сакради. Йигит у сари чопди.

— Тинчликми, нега бунча кечикдинг? — деди йигит қизга.

— Юсуф ака, бизнинг ишни биласиз-ку, — деди Раиса эрига. — Тоҳирнинг машинаси 27-километрда бузилиб қолибди. Роса қийналиб, кечикиб етиб келди. У олиб келган тупроқларни ҳам ҳисоблаб бўлгунимча иш тугаб, учинчи смена ҳам бошланиб қолди.

Улар чироқлари милтиллаб турган тепаликдаги уйлар томон кўтарилишди. Йўлда Юсуфжон одатдагидай бугунги ишлари ҳақида гапириб берди. Бугун у ишлаётган котловандаги экскаваторнинг клапани синиб, шоферлар икки соат вақт йўқотишди. Шу, уларнинг участкаларида эҳтиёт қисмларни камчиллиги ишнинг белига тепяпти-да. Юсуфжон эндиги бўладиган мажлисда албатта шу ҳақда гапираман, деб аҳд қилди. У бугун 15 машина тупроқ ташиди. Ишдан чиқиб, дарёда балиқ овлади. Бу— зап кўнгилли машғулотда. Юсуфжон учун. Бир пастда бешолтита балиқ тутиб тозалади. Хотини яхши кўрадиган балиқ шўрвани пиширибқўйди. Кутди, кутди. хотини келмади. Сўнг хавотирланиб, Раисани кутиш учун йўлга чиққан эди.

Вагончаларига яқинлашишганда, рўпарадаги хона эшиги олдида бир аёлнинг сояси кўринди. У бир зум коронғиликка тикилиб турдида, тўғридан кўрткасини елкасига ташлаб келаётган йигит томонга қараб қичқирди:

— Ва —аҳид, оббо, сени кутаверибман, шундай очиқиб кетдимки, сен бўлсанг имиллаб келяпсан.

— Э, сени қара-ю, Любичка, геройни шундай кутиб оласанми, а? — деди Воҳид хотинига ҳар сафаргидек ҳазиллашиб. — Ахир бугун нормани юз эллик қилиб келяпман-у.

— Ундай бўлса, албатта кечираман,— деди Люба қувонч билан.— Тезроқ ювиниб, киёвинб ол. Овқатланамиз...

Абдуқодир НИЁЗОВ.

СУРАТЛАРДА: Лена дарёси устидан қурилаётган кўприк қурилиши ва Бирюсинка посёлкасида ўзбекистонликлар яшаётган вагончаларни кўриб турибсиз.

Автор фотолари.

Истеҳзолиҳатлар

Илтимос бекатлари

Шаҳримиздаги ГУМ—Бешқайрагоч маршрути бўйича 64-экспресс автобуси қатнайди.

Автобусда эрталаб, кечқурунлари йўловчилар тирбанд. Баъзан кинояли қилиб «икспресс» дейишади, Яъни ИКС — юриши ноаниқ, пресс — тиқилинч деганн. Бунисиям майли, бодроқчининг аравасидек қар муюлишда тўхтагани кишини ажаблантиради.

Масалан, маршрут картасида 13 та бекат белгиланган, лекин системали равишда 21 та бекатда ҳамма автобус бирдек тўхтаб ўтади. Алоқа, Милиция (Шофайзи), Овошной, Бедапол, Чойхона, Боғча, Чайла, Пахта бекатлари шумгинидек ўсиб чиққан.

Шу йил 31 июль 9.22 да «Боғча» бекатида (илтимос бекатларидан бири, 20—74 ТНИ, ҳайдовчиси Ҳ. Зоидов) автобус қўзголди. Автобус камлигидан йўловчилар нинанинг устида тургандек типирчилаб ўтиришипти. Ҳайдовчи «Шароф» бекатида магазинга хотиржам кириб чиқди.

«Тўқимачи» бекатига келиб одам олгач, ўттиз метр юриб машина яна тўхтади. Шоферннинг таниши учраб қолипти...

«Вақтинг кетди-нақдинг кетди» деган халқ мақолини ҳайдовчиларга эслатиб қўйилса зарар қилмаса керак.

— Нега илтимос бекатлари ўсиб чиққан, билмайсизми?— деб биз диспетчер ўртоқ Т. Дадурахмоновга мурожаат қилдик:

— Биз бу ерда ўтираміз, қаерларда тўхташини билмаймиз, лекин асосан қартада кўрсатилган бекатларда тўхташи шарт, — деб жавоб берди у.

Ҳайдовчи М. Аъзамхўжаев (20—75 ТНИ машина ҳайдовчиси) билан суҳбатлашганимизда:

— Агар сиз айтган, картада йўқ бекатларда тўхтатмасак, йўловчилар ёқамиздан олишади. Кейин кечгача кайфиятимиз бузилади-да, ахир рулдамиз, — деб жавоб берди.

Ҳақиқатан М. Аъзамхўжаевнинг гапида жон бор. Бу маршрут йўлга қўйилган вақтда аҳоли кўп ёки кам чиқадиган бекатлар яхши ўрганилмаган бўлса керак. Бу масалани 18-автопарк раҳбарлари бир қайта кўриб чиқишса, балки «ИКС-пресс» «Экспресс» бўлармиди.

Ҳ. МУҲАММАДАЛИЕВ.

•САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Мактаб яратган уста

Қадимий халқ санъатини ўзида жамулжам этган Ўзбекистон халқ амалий санъати кошонасида бўлганмисиз? Европа архитектура услубида қад кўтарган бу муҳташам, шинам бинога қадимий ганч ўймакорлиги санъати уйғунлаштириб юборилган. Бу муаззам бинонинг ўзи ҳам улкан санъат асаридир. Унга «занжира» услубида берилган ганч нақшлар бирбирига шунчалар пайвандлашиб кетганки, оқибатда киши яқлол қоладиган гўзаллик намунаси бунёдга келган. Хоналардаги амалий санъат асарлари билан чамбарчас боғланган нақшлар атайлаб музей учун яратилгандек туюлади.

Бу санъат кошонасида биз икки халқнинг ўзига хос санъати намунаси — рус архитектураси билан ўзбек ганчкорлигининг узукка кўз қўйгандек бир-бирини тўлдирганлиги ва бойитганлигини кўрамиз. Фақат кўрмаймиз, балки унга боқиб олам-олам эстетик завқ оламиз, усталар учун шунчаки томоша қилиб завқ оладиган ёдгорлик бўлиб қолмай, балки мактаб вазифасини ҳам ўтайди.

Ташкент ганчкорлари XX асрга қадар «мажнунтол», «занжира», «муқарнас», «чока пардоз», «шобарг», «дурунж», «пушек», «тўртбурчакли ислимий» сингари услубларда ганч тарошлаганлар. СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Тошпўлат Арслонқулов ҳам ўз ижодида шу услубларни қўллаб, унга замонавий, оригинал безаклар қўшди, давр садосини киритди.

Ҳафтиякни билмаёқ ота касбида кўзи пиша бошлаган Тошпўлатнинг ганч ўймакорлигига ишқи тушди. Отаси санъатининг бутун сир-асрорларини синчковлик билан ўргана борди. Кўп ўтмай ота-бола усталарнинг номи Тошкентгагина эмас, Фарғона ва Зарафшон водийларига, Бухоро ва Туркистонга ёйилди. Улар қаердан буюртма олишмасин меҳнатлари юксак қадр, эъзоз топди, қўлқўлга тегишмади.

Катта синовлардан ўтиб, эл оғзига тушган ота-бола ганчкор 1902 —1903 йилларда тошкентлик амалдор— дипломат А. Половцев илтимосини қабул қилиб, бинонинг айвон устунлари, шифтлари, эшик атрофларини юксак маҳорат кўрсатиб безайдилар. Бу уй ҳозирги Шпильков кўчасидаги Ўзбекистон халқ амалий санъати музейидир.

Европача услубда қурилган биноларга Арслонқул ота томонидан миллий ганчкорлик намуналарини дадил тадбиқ этиш ўғли Тошпўлатнинг ижодига самарали таъсир қилди, у мустақил йўлга тушиб олди. Меҳнатсевар, хушчақчақ, нозик таъб, ҳар бир кимса билан тезда элакишиб кетадиган Тошпўлат рус меъморлари билан самарали ижодий меҳнат қила бошлади. Таниқли этнограф, ҳозирги кунда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор М. Андреев, А. Бурмейстер, Т. Сваричевский, К. Тильтин, И. Маркевич каби архитекторлар билан биргаликда изланиб, улар лойиҳаси асосида нақ кўтарган биноларга «чокпардоз», «лула пардоз», «пах пардоз», «шобарг» услубларида сайқал берди. Киров кўчасидаги Давлат банки биноси, «Шарқ» меҳмонхонаси, Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг илгариги биноси ва бошқа жамоат биноларини безашда отаси бошлаган ёруғ йўлдан бориб адашмади, балки ҳақиқий новаторликка эришди.

Ўзига хос меъморчилик услубига молик бўлган ҳозирги «Еш гвардия» театри биносининг дераза ва эшик раҳларини, фойе деворларини ганчли нақшда безади. Бу ишида у ўзбек ганчкорлик санъатида саккиз қиррали юлдузни биринчи бўлиб қўллади. Архитектор С. Полупанов лойиҳаси асосида бунёд этилган Охунбобоев номидаги республика Еш томошабинлар театрини сайқаллашида эса янгича тасвирлар — чолғу асбоблари, пахта, бутдой кўринишларини тадбиқ этди.

Тошпўлат Арслонқулов рус меъморлари билан ижодий ҳамкорликни яна ҳам кучайтириб, ганчкорликка замонавий элементларни дадил киритиб, топқир, омилкор, ҳозиржавоб санъаткор экаплигини амалда кўрсатди. Гап бино қурилиши услубининг бошқачалигида эмас, гап устанинг синчковлигида, ўринли изланишда, янгиликни илгаб ола билишда ва уни тадбиқ этишда эканлигини исботлади.

Ўзбек меъморчилиги ва халқ ҳунармандчилиги санъатининг фахри бўлмиш Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрининг биноси тезкорлик билан қад кўтараётган йилларда халқ устаси Тошпўлат Арслонқулов ҳар жиҳатдан ижодий камолга эришган, Иттифоқда ҳам танилган санъаткор даражасига кўтарилган эди. Мазкур кошонада ганчкорлик санъатининг нималарга қодир экаплигини амалда синаб кўрилди десак, муболага қилмаган бўламиз.

Театр биносининг бош ижодкори академик меъмор А. Щчусев Тошкент залини безашда Тошпўлат Арслонқуловни ишбоши қилиб янглишмади. Санъаткор касбдошлари билан Тошкент залини безашга киришар экан, у ўсиб унган шаҳрида қадимдан қўлланилиб, замон синовларидан ўтиб келаётган миллий анъанага қатъий амал қилди. Тошкентликлар истиқомат қилиб келган уй безаклари нусхаларидан ижобий фойдаланиди. Фойе деворларига халқ севиб келган «мажнунтол», «пушак» нусхалари билан ганчдан бадиий безак берилди.



Уста Тошпўлат бошчилигидаги олтин қўллар каштачилик санъати намунаси —Тошкент палаги нусхасини ҳам ганч ўймакорлигига муваффақиятли кўчиришди. Деворнинг яна бир ибратли иши шундаки, Тошкент залининг ганч ўймакорлигини тамомлаш бошқача ҳал қилди. У нақшларни йирик ва ёрқин белгилар, бақувват банд ва гулпар тўқимасини моҳирона улади, нафис безади.

Халқ устаси шундай масъулиятли вазифаларни ўрнига қўйиб бажариш билан бирга, қардош республикалардан келган буюртмаларни ҳам сидқидилдан амалга оширди. Жумладан, у Ленинграддаги этнография музейининг уч залини «мажнунтол», «тўртбурчак ислимий» нусхаларида юксак савияда безади. Уста жажжи ҳажмдаги ганчкорлик бадиий буюмлари ясашда ҳам тенги йўқ. Унинг 1959 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишланган кўргазмадан фахрли ўрин олган ганчкорлик ишлари юксак баҳоланган эди.

Меҳнати ва санъати қадр топган мўъжизакор уста Тошпўлат Арслонқулов ҳаётининг сўнгги йилларида бутун ижодий тажрибасини Беруний номидаги республика бадиий билим юртининг талабалари, бўлғуси ганчкорлар билан бақам кўрди. Унинг умидли шогирдлари И. Зайниддинов, Таркашев, В. Зубарев, И. Романов, С. Блохин ва бошқалар «Совет Ўзбекистони Герби», «Ўзбекистон пахтаси», «Орденли комсомол» ганчкорлик асарларини яратишда устозларидан самарали ижодий ёрдам олдилар.

Ташкент ганчкорлик мактабининг асосчиси, марҳум уста Тошпўлат Арслонқуловнинг жозибали асарлари гўзаллик шайдоларини ҳамиша мафтун этади. Унинг номи ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Ҳабиб КАРИМОВ.

•*Кенг истеъмол буюмлари*

«ОАЗИС»ЛАР ЯНГИЧА БЕЗАЛМОҚДА

Тошкент холодильник заводида электр статик майдонда бўяйдиган установка ишга туширилди. Аппаратларнинг бўялиш сифати дарҳол яхшиланди, унга кетадиган чиқим 20 процент камайди, холодильникни чиқариш вақти 10 минут қисқарди. Ҳар бир «ОАЗИС»нинг таннархи арзонлашди. Ҳали шундагина 10 киши қиладиган ишни энди бир киши бажармоқда.

«САДКО»

«Садко» холодильник бари ўзига техникасининг энг янги ютуқларини мужассамлаштирган. У хона ҳуснини очади, қўшимча маиший қулайлик юзага келтиради. Қимматбаҳо ёғочдан ишланган қўш эшикли шкафнинг ўнг томонида идишлар сақланадиган махсус бўлим бор. Чап қисмида эса фойдали сиғими 30 литр бўлган холодильник ўрнатилган. Музхонада коктейл учун кубик шаклида музлар тайёрлаш мумкин.

Бу йил Великолукский электр-рўзғор буюмлари заводи янги холодильникдан уч мингта-сини ишлаб чиқаради. 1976 йилда эса 5 мингта тайёрлаш планлаштирилган. Янги холодильник-ларнинг баҳоси 150 сўм.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА

Москвадаги «Буревестник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида кузги-қишки мавсум учун мўлжалланган пойафзални ялпи ишлаб чиқариш бошланди.

Магазинларга устисиқ материал билан қопланган эрканлар ботинкаларининг дастлабки партияси жўнатилди. «Буревестник»нинг мақсулоти мамлакатимизда ғоят машҳур. Бу йил ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўртдан уч қисмини янги моделдаги пойафзаллар ташкил этади.

Жаҳон оламида

Социализм мамлакатларида

ПРАГА

Чехословакия нефть-химия саноатининг гиганти — Братиславадаги «Словнафт» комбинати 1971— 1975 йилларга мўлжалланган шу беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб 50 процент кўпайтиради. Дунай соҳилида жойлашган бу корхона «Дўстлик» нефть қувури орқали СССРдан олинадиган нефтни қайта ишлаб беради.

ВАРШАВА.

Келқц воеводлигидаги М. Новотко номли янги электр печи металлургия дастлабки бир неча тонна пўлатни қуйиб бердилар. Бир кеча-кундузда 140 тонна пўлат тайёрловчи ана шу қудратли печь мувaффақиятли суратда ўзлаштирилмоқда. Лойиҳада белгиланган қувватга эришилгандан кейин бу печдз ҳар йили 300 минг тоннадан пўлат қуйилади.

БУХАРЕСТ.

Крайовадаги «Электропутере» заводида 400 минг от кучига эга бўлган янги дизель-электровоз қисмларини йиғиштиришга киришилди. Бу электровоз соатига 140— 160 километр йўл боса олади.

БУДАПЕШТ.

Шарвардаги (Ваш области) маҳаллий давлат хўжалигида Венгриядаги энг йирик сутчилик фермаларининг бири барпо этилди. Бу фермада ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳаммаси механизациялаштирилди. Янги корхона ҳар йили мамлакатга 6 миллион литрдан зиёд сут етказиб беради.

ХАНОЙ

Вьетнамдаги энг кекса саноат корхоналарининг бири— Намдин тўқимачилик комбинати коллективи республиканинг 30 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш— ҳозирги байрам олди мусобақасининг шиоридир. Корхона ишчиларининг кўпчилиги хотин-қизлардан иборат. Ишчилар газлама ва калава ишлаб чиқаришда кундалик нормаларни доим ошириб бажариш, бутун маҳсулотда биринчи навли газлама ҳиссасини 3 процент ошириш ва хом ашё сарфини камайтириш мажбуриятини олдилар.

(ТАСС).

«ЭКОНОМИКА ЖИДДИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БОШИДАН КЕЧИРМОҚДА»

Халқаро валюта фондининг йиллик докладида капиталистик мамлакатларнинг экономикаси 1974 йилда ва 1975 йилнинг биринчи ярмида жиддий қийинчиликларни бошидан кечирганликлари таъкидлаб ўтилади. 1974 йилнинг дастлабки ойларида тараққий топган ғарб мамлакатларининг саноатида экономиканинг ривожланиши секинлашган эди. Ана шу секинлашув кенг таназзулга айланиб, ишсизлик даражаси гоят ўсиб кетди.

Шу йилнинг биринчи ярмида деб таъкидланади халқаро валюта фондининг ҳужжатида, ғарбда саноати тараққий этган етакчи мамлакатлардаги ишсизлик ва ишлаб чиқариш қувватларининг етарли даражада ишламаслиги кейинги ўн йил ичида мисли кўрилмаган даражага етди. Саноати ривож топган давлатларнинг иқтисодий таназзули ривожланаётган мамлакатларнинг аҳволиқа оғир таъсир этди ва уларнинг иқтисодий ривожланиш суръатларининг пасайишига сабаб бўлди.

Швейцария узоққа чўзилган таназзул даврини бошдан кечирмоқда. Етакчи молиявий экспертларнинг баҳо беришича, бу йил ялпи миллий маҳсулот 2,7 процент, капитал маблағлар сарфлаш ҳажми эса 13 процент камаяди. Экспорт қилиш ҳажми ҳам шунча камаяди. Пулнинг қадрсизланиши давом этаверади.

Швейцария саноатида юз берган таназзул мамлакатда хонавайронликнинг тез ўсишига олиб келди. Дастлабки олти ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 60 процент кўпроқ корхона хонавайрон бўлди. Ҳусусан қурилиш саноатида оғир аҳвол рўй бердики, бу ерда икки чандон кўпроқ хонавайроғарчиликка учралди.

«Свенска дагбладет» газетасининг таъкидлаб ёзишича, майда корхоналарнинг эгалари энг аввало иқтисодий тушкунлик қурбонлари бўлмоқда.

Ирландияда июль ойида енгил автомашиналарни сотиш ўтган йилнинг ана шу ойидагига нисбатан 28 процент камайган. Маҳаллий матбуот таъкидлаб ёзишича, бу Ирландия экономикаси бошидан кечираётган тушкунликнинг чуқур оқибатларидан, аҳоли харид қуввати кескин пасайиб кетганлигидан далолат беради.

(ТАСС).

ДАВЛАТ СЕКТОРИ ЮКСАЛИШДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг давлат сектори янада юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Миллий саноатнинг қора ва рангли металлургия, оғир машинасозлик ва станкосозлик, нефть кимёси ва энергетика каби асосий тармоқлари давлат секторига қарайди. Деҳлида чиқадиган «Патриот» газетасининг ёзишида хабар берилишича, мамлакатдаги 114 та давлат саноат корхоналарининг 1974 — 1975 молия йилидаги соф даромади бундан аввалги йилдаги 644 миллион рупия ўрнига 1,5 миллиард рупияга чиқиб, рекорд даражага эришган.

Миллий экономика давлат секторининг бунёдга келиши ва ривожланишида СССРнинг ёрдами билан қурилган корхоналар катта роль ўйнади. Ҳозирги вақтда улар, жумладан, мамлакатда эритилаётган жами пўлатнинг 30 процентини ва қазиб чиқарилаётган нефтнинг 50 процентини бермоқда.

Кейинги йилларда 14 та етакчи коммерция банки, юздан ошиқ страхование компаниялари, 700 га яқин қўмир шахтаси давлат тасарруфига ўтказилди.

Сохта пул ясовчилар

НЬЮ-ЙОРК. Кейинги вақтларда АҚШда сохта пул ясаш ҳоллари кўпайди.

Америкалик сохта пул ясовчилар мураккаб техникадан фойдаланиб, ишни катта қилиб юбормоқдалар. Маъмурларнинг айтишича, бултур қарийб 50 миллион сохта доллар ясалган, яъни 1973 йилдагига нисбатан тахминан икки баравар кўп бўлган.

Мана шу яшириқча «иш» билан одатда қўл кишилар шуғулланади. Булар пул ясовчилар. шунингдек «тайёр маҳсулотни» ўтказувчи воситачилардан иборат. АҚШнинг сохта пул ясовчиларга қарши курраш билан шуғулланувчи махфий хизмати 1974 йилнинг ўзидагина 75 та шундай ташкилотни зарарсизлантириб, 1785 кишини қамоққа олди.

Тунис республикасида

1956 йили тунис халқи снёсий мустақилликка эришган, 1957 йили эса Тунис республика деб эълон қилинган эди. Тунис Республикасининг ҳукуматн мустамлакачиларнинг ўтмиш қолдиқларини тугаллаш ва мамлакатни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг снёсий йўлини танлади. Миллий мустақилликнинг иқтисодий асосини мустаҳкамлаш мақсадида Тунис ҳукумати социалистик ҳамкорлик мамлакатлари билан, биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантирмоқда.

СУРАТЛАРДА: чапда — Кассеб дарёсидаги арқли тўғон. Бу тўғон совет мутахассисларининг иштирокида, совет материаллари ва техникасидан фойдаланилган ҳолда қурилган. Тўғон Тунис пойтахтини ичимли сув билан таъминлашни йўлга қўйиш ва мамлакатнинг шимолий районларидаги ҳосилдор ерларни суғориш имконини беради; юқорида —Тунис учун хос бўлган қишлоқ манзараси.

Ю. Абрамочкин фотолари.



АГРАР ИСЛОҲОТ АМАЛДА

ҚОВУЛ. «Яна 10 минг ерсиз деҳқон оиласи Бадахшон вилоятида давлатдан ер олди». Афғонистоннинг БАҲТАР агентлиги республиканинг ҳамма вилоятидан келаётган шу мазмундаги қисқа-қисқа хабарларни деярли ҳар куни эълон қилиб турибди. Бу хабарлар мамлакатда аграр ислоҳот амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

•Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳалима Носирова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров Ленинградда «Ўзбекистон декадаси» кунларида «Ғалаба» концерт залида концерт бермоқдалар.

Суратда: Ҳалима Носирова ва Ботир Зокиров концерт пайтида.

Ф. Ахмедов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

○Халқ ижоди

Саҳнада «Дилдор»

«Зарафшон» колхози клубида Вобкент район маданият уйи «Дилдор» вокал-инструментал ансамблининг концерти бўлиб ўтди. Ҳаваскор коллектив кузги терим мавсумига атаб махсус тайёрлаган ўзининг янги программасини кўрсатди. Бу программада Ўзбекистон композиторларининг, қардош республикалар ва социалистик мамлакатлар композиторларининг янги, оммабоп асарлари бор.

«Дилдор»— энг ёш — Марказ магистрал газ қувурлари қурувчилари ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қилишган. Ансамблга Ташкент тўқимачилар саройидан — «Алтанр» ҳаваскорлик ансамблида тарбия кўрган Раҳмат Ғуломов раҳбарлик қилади. «Дилдор» пахта йиғим-терими пайтида дала шийпонларида, колхоз ва совхозларнинг клубларида ўз маҳоратини намойиш қилиб кўрсатади.

А. ФОЗИЛОВ.
ЎзТАГ мухбири.

•*Лойиҳа устахоналарида*

УЛКАН КОМБИНАТ КОМПЛЕКСИ

Бугун

«УЗГИПРОТЯЖПРОМ» ИНСТИТУТИНИНГ Ш. ЯНГАЛИЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ БИРИНЧИ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ БЎЛИМИ ЛОЙИҲАЧИЛАРИ ПОЙТАХТ ОБЛАСТИНИНГ АНГРЕН ШАҲРИДА ҚУРИЛАДИГАН РЕЗИНА КОМБИНАТИНИ НГ МЕХАНИКА ЗАВОДИ ТЕХНИК ИШ ЧИЗМАСИ ЛОЙИҲАСИНИ ТУГАЛЛАДИ.

Республикамиз да ягона ҳисобланадиган комбинат комплекси бир неча заводларни ўз ичига олади. Жумладан, 600 киши ишлайдиган техника жиҳозлари ремонти, пресслаш ва қолиплаш цехлари, шунингдек, 270 киши меҳнат қиладиган электр жиҳозлари ремонти, эҳтиёт қисмлар ва ностандарт жиҳозлар каби цехлар ва бир қанча ёрдамчи бинолар қурилади. Шунингдек, бу ерда 500 ҳўрандага мўлжалланган ошхона, ҳамда 600 ўринли мажлислар зали завод ишчилари ихтиёрида бўлади.

Улкан комбинатнинг бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати бир неча миллион сўмни ташкил этади.

Арманистон ССР, Ереван. Урарту шоҳи Аргишта 1 Эребунининг қалъаси жойлашган ердаги «Эребуни» музейида ана шу қадимий шаҳарда олиб борилган қазишма ишлари вақтида топилган экспонатлар сақланмоқда.

СУРАТДА: «Эребуни» музейининг биноси.

Б. Немрут фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ДЕҲҚОНЛАР ҲУЗУРИДА

Муқимий номидаги ўзбек драма ва комедия театрининг бир группа санъаткорлари пойтахт область-тининг Чиноз район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатдилар.

Айниқса, район марказида, Киров номли колхоз клубида ижро этилган куй ва қўшиқлар мазмунли бўлди. Саҳна асарларидан намойиш қилинган кўринишлар, ҳажвий қўшиқлар, жозибали рақслар томошабинлар дилини хушнуд этди.

ТУСТОВУҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

Қорақалпоғистондаги Бадайтўқай массивида Хева тустовуқларини рўйхатга олиш тугади. Амударёнинг қуйи оқимидаги тўқайларда яшайдиган бу чиройли жониворларнинг ҳозир тўрт мингтадан кўпроғи ҳисобга олинди. Бу—шундан тўрт йил аввалдагига нисбатан, яъни Бадайтўқай давлат паррандашунослик қўриқхонаси ташкил этилгунга қадар бор бўлган жониворлардан олти баравар кўп.

(ЎзТАГ мухбири).
Қорақалпоғистон АССР.
Беруний.

Уриниш ўнгидан келмади

Роберт Спаркс АҚШдан Европага ёлғиз учиб ўтмоқчи бўлган ҳаво шарининг гондоласида бир эмас икки киши бор эди.

Спаркс ўз шарида ҳавога кўтарилганида гондоладан осилган арқонга бир одам чирмашиб олган эди.

Орадан бир соат ўтгач Спаркс пассажирни пайқаб, уни гондолага тортиб олди. Шунда шарни учиришга тайёрлаган ердаги командалнинг раҳбари Хэдден Вуд Спаркс билан бирга саёҳат қилмоқчи эканлиги маълум бўлди.

Спарксннинг радио орқали хабар бериши-ча, шар Европа қитъасига етган заҳоти Вуд «Спарксннинг шон-шуҳратига шерик бўлмаслиқ учун» парашютда сапрашини таклиф қилган. Лекин тасодифот-лар шу билан тугамаган. Ҳаво сайёҳлари шарнинг бир жойи тешилганлигини пайқаб қолдилар ва Атлантика океанига қўнишга мажбур бўлдилар. Уларга жамот самолётни учди ва соҳил мудофаасининг катери жўнаб кетди. АҚШдан Европага ҳаво шарида учиб бориш ниятидаги уриниш ҳам ўнгидан келмади.

(ТАСС).

Пойтахтимизда транспорт ҳаракатини янада яхшилаш, автоҳўжаликлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ишига шаҳар автоинспекцияси катта эътибор беряпти. Илгари бу ерда бўлажак ҳайдовчилардан имтиҳон оддий усулда олинган бўлса, ҳозир бу жараён бирмунча автоматлаштирилган. Қатор механизмлар уларнинг ихтиёрида.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) имтиҳон-регистрация бўлимининг бошлиғи, милиция капитани Анвар Мадаминов бир группа имтиҳон топширувчилар билан кўча ҳаракати қоидаларини макет ёрдамида муҳокама қилмоқда; (пастда) бўлажак ҳайдовчилар имтиҳон залида.

М. Нуриддинов фотолари.

Фан ва техника изланишлари, кашфиётлари

Гидролизсиз оқсил

Термофил микроорганизмлар мураккаб гидролизавий ишлаб чиқаришга барҳам бериши мумкин. Ҳозирча қишлоқ хўжалик чиқитларини ачитқига айлантириш гидролиз жараёнисиз юзага чиқмайди. Кўзга кўринмас заҳматкашлар ачитқидан озуқа оқсили ҳосил қила олади. Молдавия ССР Фанлар академиясининг микробиологлари шундай имкониятни тасдиқловчи эксперимент ўтказадилар.

Ноозуқа маҳсулотлардан арзон ва ироқли оқсил витамин концентрати ҳосил қилиш микробиология ҳал этаётган актуал проблемалардан биридир. Маълумки, бактериялар ўсимликка нисбатан 500 баравар тезроқ ўсади. Шунинг учун ҳам олимлар микроб оқсилини синтез қилишга эътибор бераяптилар.

Биологлар оқсил препарати олиш учун микроорганизмлардан фойдаланишга қарор қилдилар. Бундай препарат омихта емга қўшиб берилганида чорва уни яхши ҳазм қилади. Шу мақсадда улар алоҳида группа термофил бактерияларни ўстирдилар. Бу бактерияларга целлюлоза ва бошқа моддалар «ёқиб қолди». Улар шундан оқсил ҳосил қилади.

Р. ХОМЕНКО.

ТАСС мухбири.
Кишинев.

Ультрабинафша нурлар олимлар хизматида

Маълум бўлишича, «Союз— Аполлон» программаси бўйича учишнинг бешинчи куни америкалик астронавтлар кучли ультрабинафша нурланиши борлигини пайқаб қолганлар. Унинг кучи қўёшнинг ультрабинафша нурланишидан миллион баравар зўрлик қиларди. Астрономларнинг фикрича, бу нурланиш манбаи ердан 300 ёруғлик йили масофа наридаги Вероника-нинг сочлари юлдуз туркумида бўлган бир сирли юлдуз бўлиши керак. «Аполлон» космик кемасида ўрнатилган махсус ультрабинафшавий телескоп ёрдами билан шу кашфиёт қилинди.

Калифорния университетининг олими С. Боунр бу ҳақда Америка астрономия жамиятининг Сан-Диегода ўтказиладиган (Калифорния штати) йиллик конференциясида хабар қилди. Илгари ультрабинафша нурлари ёрдами билан космик фазо қаърига 10 ёруғлик йилича масофада кириб бориш мумкин эмас деб ҳисобланган. Космик фазода гелий ва водород атомлари ультрабинафша нурларини ер юзига етиб келгунича ютиб юборади, деб ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам олимлар космос қаърини тадқиқ этишда ультрабинафша нурлар қўллаш имкониятини рад этишарди.

С. Боуирнинг айтишича, ультрабинафша нурлар қўллаш туфайли олимлар қўшимча маълумотларга эга бўладилар. Жумладан, юлдузларнинг ёши тўғрисида маълумот олиш мумкин бўлиб қолади. Бундай юлдузларнинг температураси фаренгейт ҳисоби билан юз минг градусдан бир миллион градус ўртасидадир.

Амударёнинг яна бир хислати

Туркманистон билан Ўзбекистоннинг энг муҳим ирригация магистрали— Амударё гўза ва бошқа экинларни суғорибгина қолмай, уларни ўғитлайди ҳам. Туркманистон гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг олимлари дарё суви лойқасини ўрганиб шундай хулосага келдилар. Бу лойқа таркибида ўсимликлар озиқ оладиган жуда муҳим минерал элементлар бор экан.

Кўп миқдордаги лойқа сув далага оқиб бориб, тупроқнинг унумдорлигини оширади. Ҳар гектар ерга нормадаги тўққиз минг куб метр сув оқизилганда тўрт тоннадан кўпроқ углекислий кальций, 400 килограммдан ортиқ калий тузлари ва 45 килограмм фосфор бирга келади.

(ТАСС).

ТЕМИР «ЁМҒИР»НИ ТЕКШИРИШ УЧУН

СССР Фанлар академиясининг экспедицияси Уссури тайгасига келди. 1947 йил Приморье территориясига тушган Сихотэ-Алин темир «ёмғир»ини ўрганиш ишлари геология-минералогия фанлари доктори Е. Л. Кринов раҳбарлигида давом эттирилади.

Метеорит моддаларни текширишнинг фан учун катта аҳамияти бор, деди Е. Л. Кринов. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, тушган парчаларнинг жами массаси 70 тоннага боради. Бундан аввалги экспедициялар 12 кратер ва воронкаларнинг структурасини, катта метеоритлар тушиши натижасида қол жинсларнинг бузилиш даражаси ва характерини текшириб чиққан эди. Энг катта кратернинг диаметри 26 метрга боради. Магнитавий ўлчашлар ёрдамида воронкалардан ҳар бири ярим тоннача келадиган икки метеорит топилди. Ҳозир биз шу метеоритларни қазиб чиқаришга киришяпмиз.

Н. МОИСЕЕВ.
ТАСС мухбири.
Владивосток.

КИТОБЛАР—ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Маданиятлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштириш ишида инсонпарварлик ва тинчлик ғоларнинг роли буюкдир. Шу боисдан ҳам «1975 йил китоблари» халқаро виставкасининг аҳамиятини баҳолаш қийин. Халқаро китоб виставкаси Москванинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Виставканинг бешинчи иш кунида нашр қилинган китобларнинг бадиий безаги ҳамда полиграфия жиҳатидан ижроси юзасидан бу ерда бўлиб ўтган халқаро конкурс мукофотларини танталанли суратда топшириш маросими бўлди. 26 август куни ўн тўрт мамлакатдан келган машҳур рассомлар, адиблар, ноширлар, полиграфчилардан иборат халқаро жюри мазкур ижодий кўрик якунларини эълон қилди.

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет халқининг буюк жасорати» деган мавзудаги нутқини, шунингдек КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет Иттифоқи ҳукуматининг «Халқларга, парламентларга ва ҳукуматларга» мурожаати текстини ўз ичига олган китобга олий мукофот — «Урок ва Волга» олтин медали берилди. Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган бу китоб бадиий безаш ҳамда полиграфия жиҳатидан ижро қилиш санъатининг катта ютуғи деб топилди.

Энг яхши китобларга ўн бешта олтин, йигирма етти кумуш ва 39 та бронза медаллари берилди. Венгрия, ГДР, Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Франция, Югославия полиграфчилари совриндор бўлдилар.

Халқаро конкурсда бадиий адабиётнинг суратли асарларига учта катта мукофот — «Дўстлик олтин шохчаси» мукофоти берилди.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

☆Чўян това ва қозонларни кул ёки гишт кукуни билан тозалаб, ишқорли сувда ювинг, янги ҳамда занглаган товаларни эса оловда яхшилаб қиздиринг, сўнг йирик туз билан тозаланг.

☆Зарҳал чинни идишларни илиқроқ сувда ювинг, содали сувда ювсангиз зарҳали кўчиб кетади.

☆Биллур қадаҳларни, гулдонларни озгина синька ёки бўр қўшилган совунли сувда тозаланг.

☆Идишдаги балиқ ҳидини сирка, лимон суви, кофе қуйқуми ёки горчица билан ишқаб ювилса, ҳид тезда йўқолади.

☆Кастрюлькани қотиб ёки куйиб қолган овқат қолдиғидан тозалаш учун бир литр сувга бир чой қошиғида ичимлик сода қўшиб қайнатинг. Ичимлик сода ўрнига икки-уч пиёз солиб қайнатилса ҳам кастрюлька топ-тоза бўлади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЧЕТ ЭЛ КАЛЕЙДОСКОПИ.
Одатдагидан ташқари пассажир (Англия).
(ТАСС фотохроникаси.)

Гаровнинг оқибати

НЬЮ-ЙОРК. Аризона штатидаги Феникс шаҳрида ёш йигитчанинг Бенгалия йўлбарси билан «танишуви» оқибати ачинарли бўлди. У дўстлари билан гаров боғлашиб, ваҳший жонивор яшайдиган маҳаллий ҳайвонот боғининг қафасига тушди.

21 яшар Эрик Нофни ўлимдан ҳайвонот боғининг хизматчилари қутқариб қолишди: улар ҳайвонот боғига кечикиб кирган кишиларнинг қаттиқ огоҳлантиришларини эшитиб қолишди. Йўлбарс Нофни қаттиқ жароҳатлабди. Баҳс бойлаб ваҳший ҳайвон билан учрашиш учун қарийб 10 метрли говни ошиб ўтган йигит ҳозир касалхонада ётибди.

(ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 28|VIII да **Парвона**, 29, 30, 31|VIII да **Кўрмайин босдим тиконни.**

КИНО

28 АВГУСТДА ҚИШКИ БИНОДА

Очкўзликка қарши маккорлик (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Виннету — Инчу-Чун ўғли — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Эй, бахтли инсон! — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «МОСКВА», (кечқурун).

Салом, артист! — «НУКУС» (кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Салом, артист! — «ФЕСТИВАЛЬ».

Санчо содиқ дўст — «ХИВА».

29 АВГУСТДА ҚИШКИ БИНОДА

Очкўзликка қарши маккорлик (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Виннету — Инчу-Чун ўғли — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эй, бахтли инсон! — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Салом, артист! — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Учинчи ёшлик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Эй, бахтли инсон! — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТОШКЕНТ ОЛИМЛАР УЙИ қуйидаги тўгаракларга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

катта ёшдаги кишилар учун инглиз тили, ёшлар, болалар учун немис, француз, эсперанто тиллари, кинохаваскорлик тўгаракларига.

Амалий санъат — тўқиш, бичиш ва тикиш.

Бадиий ҳаваскорлик: якка опера коллективи, драма — бадиий нутқ, рақс, болалар учун фортепиано куйлари.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 52-уй, Телефон: 33-06-14.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети

243-ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ЗАВОДИ ҲУЗУРИДАГИ

121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти: **йиғувчи-слесарь, учиш аппаратлари электр монтажчиси мутахассислиги бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди.**

Ўқиш муддати — 1 ва 2 йил.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент шаҳридаги 243-авиаремонт заводида ишлайдилар.

Завод ишчиларига отпуска вақтида самолётларда учишга имтиёзли билет берилади ва улар граждан авиацияснинг ҳомлари учун белгиланган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига 10-синф ҳажмида маълумот билан кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади; 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, соғлиги тўғрисидаги 286-формадаги медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар — якшанба кунидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан 17.00 гача қуйидаги адресда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Авиаторлар шаҳарчаси, (ҒҲФ), 243-завод (25, 66-автобусларнинг «Авиаторлар шаҳарчаси», 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекатлари). Телефон. 91-15-33, қўшимча 3-86.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитетининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени «Тошкентстильмаш» заводи қошидаги

87-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—1976 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди:

ТОКАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ПИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, РЕМОНТЧИ СЛЕСАРЛАР, ТУНУКАСОЗ СЛЕСАРЛАР, ФОРМОВКАЧИЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАР, ГАЗ ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАРИ, АВТОМАТИК ВА ЯРИМ АВТОМАТИК СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРЛАРИ, ДУРАДГОРЛАР.

Ўқиш муддати 1—2 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат,формали кийим-кечак, иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар. Формовкачилик группасининг ўқувчиларига ойига 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ВА ТЕХНИКУМ ИШЛАЙДИ. АЪЛОЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИУЛЛАНМАЛАР БЕРИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, мактабдан олинган характеристика, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 8 дан 16 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Текстильная кўчаси, (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвай, 2, 6, 18, 13, 15, 16-троллейбус, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобусларнинг «Совгородок» бекати).

САНЪАТ ВА СПОРТ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 75-УЙДА

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ТЕАТР КАССАЛАРИ ДИРЕКЦИЯСИ ИШЛАМОҚДА.

ДИРЕКЦИЯ ТЕАТРЛАР, КОНЦЕРТЛАР, ЦИРК ТОМОШАЛАРИ, ФУТБОЛ, ХОККЕЙ ВА БОШҚА ТОМОШАЛАРГА БИЛЕТЛАР СОТАДИ.

БИЛЕТ СОТАДИГАН КАССАЛАР АДРЕСИ:

К. Маркс кўчаси («Ўзбекистон» меҳмонхонаси олдида).
Ш. Руставели кўчасида («Россия» меҳмонхонаси олдида).
Тошкент Марказий универмаги олдида (трамвайларнинг айланма бекатида).
Фурқат кўчасида (Муқимий театри олдида).
ТошМИ майдонида.
Энгельс кўчасида (Олой бозори қаршисида).
Театр майдонида («Фрунзе» савдо маркази қаршисида).
Студентлар шаҳарчасида (автобуслар айланма бекатида).
«Чилонзор» савдо маркази олдидаги майдонда.
М. Горький майдонида (Луначарский шоссесида).

Юқоридаги кассалардан Сиз Тошкент театрлари спектакларига, филармония концертларига, цирк томошаларига, футбол ва хоккей мусобақаларига олдиндан билетлар сотиб олишингиз мумкин.

Бундан ташқари кассирлар олий ўқув юртлари, завод ва фабрикалар, муассасалар, йирик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларига бориб билет сотадилар.

ТОМОШАЛАРГА КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар учун телефонлар: 56-35-49, 56-35-71.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
1 СЕНТЯБРДА

37-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1|IX да — НУРХОН.
3|IX да — ЖОНИМ ФИДО.
4|IX да — ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА.
5|IX да — ХОНУМА ХОНИМ.
6|IX да — СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ.
7|IX да — КЎНГЛИ ЕШ ҚАРИЯЛАР.
8—9|IX да ҚОНЛИ ТЎЙ.
10|IX да — ЎЖАРЛАР.

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

• Газетхон илтимоси

ОИЛА ТАЯНЧИ

Ҳурматли редакция! Совет оиласини мустаҳкамлаб боришга партия ва ҳукуматимиз катта эътибор бериб келяпти. «Никоҳ ва оила» кодексининг қабул қилиниши ҳамда кучга кириши сўнгги йилларда бу соҳадаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Совет оиласини мустаҳкамлашнинг асоси ҳисобланган бу қонун акти ҳақида матернал ўқиш ни истар эдик.

З. ҚАЛАНДАРОВ,
З. НОЗИРОВ,
хизматчилар.

Социалистик жамиятимизнинг ҳар бир тараққиёт босқичида никоҳ ва оилага алоҳида аҳамият берилди. Уни мустаҳкамлаш юзасидан қатор қонун актлари қабул қилиниб келинди. Чунончи, оила қуришнинг ихтиёрийлиги, эр ва хотиннинг ҳуқуқлари, ота-онанинг бола тарбиясидаги бурчлари, ҳақрамон ва якка оналарга берилган енгилликлар, эр, хотиннинг шахсий мулки, никоҳнинг суд йўли билан бекор қилиниши ва бошқа бу соҳадаги муҳим масалалар ана шу қонун актларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети томонидан тасдиқланиб, кучга кирган «Никоҳ ва оила» ҳақидаги қонун ҳам Совет оиласини мустаҳкамлашга қаратилган асосий ҳужжатдир.

Бу қонунда никоҳга кирувчиларга бир-бирларини яхши тушуниш имконияти берилган. Улар ариза берганларидан сўнг ўйлаб кўриши учун бир ой муҳлат берилади.

Никоҳга кирувчиларнинг никоҳ ёшлари кодексда қизлар учун 17 ёш, йигитлар учун 18 ёш белгиланган. Никоҳга кириши бир умр эсдан чиқармайдиган қилиб ўтказиш бизда анъанага айланган.

Ота-оналарни ўз фарзандларига моддий-маънавий ёрдам беришлари қонунда алоҳида кўрсатилган.

Никоҳ фақат суд йўли билан бекор қилинади.

Суд томонидан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ариза қабул қилинганидан сўнг, уларни чақириб суҳбат ўтказилади. Ажралишни ўйлаб кўриш учун олти ойгача муҳлат берилганлиги оилага бўлган эътиборнинг яна бир далили дир.

Р. СУЛАЙМОНОВ,
Шаҳар судининг ходими.

Болаларга аталган фильмлар

Москвадаги энг яхши кинотеатрлар ёш томошабинлар билан иқ тўлди. Пойтахтда янги ўқув йилининг бошланишига бағишланиб «Салом, мактаб!» деган кинофестиваль очилди.

Болалар тўғрисида ва болалар учун чиқарилган янги-янги бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар бир ҳафта мобайнида экранларда намойиш қилинади. Фестиваль кунлари «Совет Иттифоқи — Ватанимиз» деган тематик фильмлар кўрсатилади, «Биринчи синф ўқувчисининг куни» деган анъанавий кино байрами ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТЕЛЕВИЗОР

28 АВГУСТ— ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.25 Мультфильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Зангори кема капитанлари» (ўзбекча). **Рус тилида:** 19.05 «Беш йиллик зарбдорлари». Телевизион очерк. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Тасвирларда ҳаёт жилоси» (ўзбекча). 20.00 «Халқаро шарҳловчилар даврасида». 20.30 «Дўстлик экрани». Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон телевидениеларининг биргаликдаги кўрсатуви. 21.30 «Ахборот» информацион программаси (ўзбекча). 21.50 Ўн минут музика. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.30 Далалардан дараклар. 22.45 Ўзбек куйларидан концерт. 23.35 «Кўтарилган елканлар шаҳри». Телевизион фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 23.55 Футбол бўйича олимпия турнири учун саралаш матчи. Норвегия — СССР Терма командалари. Ослодан олиб кўрсатилади.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.50 Қисқа метражли фильмлар программаси. 1. «Қишлоқ каникуллари». 2. «Фонтан». 3. «Ишшо». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қўёш акси бор». 19.30 «Янги ўқув йили бошланиши арафасида». Кўрсатувда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министри В. П. Елютин иштирок этади. 20.00 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.30 Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Терговни билимдонлар олиб боради. 10-иш. «Жавоб зарбаси». Учинчи серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уринбосарлар» (русча). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Сиз яшайдиган уйнинг адреси». Бадиий фильм.

Учинчи программа. 20.00 дан Тошкент кўрсатади.

29 АВГУСТ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.25 «Бир кишн ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 11.10 О. ва А. Лавровлар. Терговни билимдонлар олиб боради». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-иш. «Жавоб зарбаси». Учинчи серия. 12.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». **Тошкент кўрсатади.** 13.10 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 13.15 «Бўғирсоқ», «Салом», Фильм-концертлар (русча). 14.00 «Яшил қарағайлар сири». Бадиий фильм (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 15.15 Маҳаллий телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.15 «Сўз олимларга». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Л. Ф. Верешчагин сўзи. 16.30 «Рус тили». 17.15 Бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концерти. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 17.50 «Бешинчи меҳнат чўрагининг позивнойлари» (русча). 18.20 Мультфильмлар. 18.35 «Ахборот» информацион программаси (русча). **Ўзбек тилида:** 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.15 Партия маорифи ва ижтисодий таълим— шохобчаларида янги ўқув йили олдидан. **Москва кўрсатади.** 19.45 «Европа хавфсизлиги учун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.05 «Бўстон» телевизион журнали. Москва кўрсатади. 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.30 «Ўзбекистон чорвадори». 23.00 Социалистик мусобақа илғорлари учун концерт. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 Экранда баринчи марта. Болалар учун «Семурғ». Бадиий фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Салом, мактаб». 19.30 «Рондо» Фильм-концерт. Эстония телевидениесининг маҳсулоти. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 20.15 «Одамлар, ер, нон», «Одамлар меҳнат, ижод». Телевизион фильмлар. **Москва кўрсатади.** 20.45 Экранда кинокомедия. «Кўча тасодифларга тўла». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбекча). **Москва кўрсатади.** 22.30 Шахтёрлар кунига бағишланган концерт. Давлат Марказий «Россия» концерт залидан олиб кўрсатилади. 24.00 Вақс бўйича халқаро мусобақа. Ярим финал. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

Учинчи программа. 20.00 дан Тошкент кўрсатади.

Тошкент оқшоми 4 бет. 28 АВГУСТ, 1975 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Р—02600, Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—4081.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-43 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими—33-81-42.